

Эрдоған: Ҳаётимиз суннатлар билан гўзалдир



11:34 / 19.11.2018 3466


Туркия президенти Ражаб Тоййиб Эрдуғон 17 ноябрь куни Истанбул шаҳрида бошланган мавлуд ҳафталигининг очилиш маросимида иштирок этди, деб [xabar beraди](http://akparti.org.tr) akparti.org.tr сайтида.

Ҳаётимиз Набийимиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари билан янада гўзалдир. Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётларининг ҳар лаҳзасини, ҳар саҳифсини диққат билан ўрганиб, ҳаётимизга татбиқ қилишимиз лозим, деди Туркия Президенти.

Шунингдек, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратларини ўрганиш унга эътиборли бўлишимиз ёшларимиз ва келажак авлод тарбияси учун аҳамиятли эканини такидлади. У Зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётлари нафақат мусулмонлар балки инсоният учун ҳидоят минораси бўлиб, набавий сийратсиз ислом боқий бўла олмаслигини ҳам

эслатиб ўтган. Ўз навбатида мўмин кишининг дини билан муносабати унинг Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратлари ва ҳаётлари билан кучли боғланган бўлишини алоҳида таъкидлаган.

Image not found or type unknown



Сўзининг охирида Дин ишлари бошқармасини ушбу тадбирни чиройли тарзда ташкиллаштиргани ҳамда барча уммати Муҳаммадияни муборак мавлуд ойнинг муносабати билан яна бир бор қутлади.

Islom.uz портали таҳририяти